

қўшимча фаол дастурларни жорий этиш, аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш, давлат ёрдами дастурлари ва лойиҳасини такомиллаштиришга ёрдам беради. Аҳолининг қариши ва миграция ўзгаришларининг бугунги шароитида ёшлар, аёллар, кекса ишчилар, шунингдек, паст малакали ходимлар бундай

дастурларнинг муҳим мақсадли гуруҳлари ҳисобланиши лозим. Бундай чора-тадбирлар қаторида аёлларнинг иш ҳақи бўйича самарали солиқ ставкасини пасайтириш, ишсиз ёшларни иш билан таъминлашни субсидиялаш, болалар муассасаларини ривожлантириш ва ҳоказоларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Dollar D., Kraay A. Growth still is good for the poor. The World Bank, WPS6568, Washington D.C. 2013.
2. Bourguignon. F. The poverty-growth-inequality triangle. The World Bank. Washington D.C. 2004.
3. Humberto L., Luis S. Too poor to grow. The World Bank. WPS5012. Washington D.C. 2009

## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

## THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE TEXTILE INDUSTRY IN THE NATIONAL ECONOMY

Охунова Ойгул Усмонжон қизи

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти,*

**Аннотация:** Ушбу мақоланинг асосий мақсади тўқимачилик саноатининг Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётидаги ролини таҳлил қилишдир.

Мақолада ушбу соҳанинг ҳозирги даврдаги тузилмаси ҳамда тармоқнинг миллий иқтисодий категориялар: ялпи ички маҳсулот, бандлик даражаси ва экспортга таъсирини кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тўқимачилик саноати, ялпи ички маҳсулот, экспорт, бандлик, пахта-тўқимачилик кластери, инновация.

**Аннотация:** Основной целью данной статьи является анализ роли текстильной промышленности в народном хозяйстве Республики Узбекистан.

В статье рассматривается современная структура данной отрасли и ее влияние на народнохозяйственные категории как: валовой внутренний продукт, уровень занятости и экспорт.

**Ключевые слова:** текстильная промышленность, валовой внутренний продукт, экспорт, занятость, хлопково-текстильный кластер, инновации.

**Abstract:** The focus of this paper is the analysis of the role of the textile industry in the national economy of the Republic of Uzbekistan.

The main objective is to consider what determines the actual structure in this particular industry and how it affects the national economic categories, such as: the gross domestic product, exports and the level of employment.

**Keywords:** textile industry, gross domestic product, exports, employment, cotton-textile cluster, innovations.

## Кириш

Ўзбекистоннинг тўқимачилик сиёсати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмини таъминлаш, минтақавий ва халқаро ўзбек пахта савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланади. Пахта толасини ишлаб чиқаришни замонавий технологияларни ривожлантириш; пахта толаси сифати ва техник хусусиятларини ошириш; пахтани ички қайта ишлашни ўстириш орқали миллий тўқимачилик саноатини ривожлантириш; юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни кўпайтириш – ҳозирги кундаги стратегик ислохотларининг асосий устувор йўналишларидир.

Жаҳон бозорида табиий толали маҳсулотларга талаб ортиб бораётганини инобатга олсак, Ўзбекистонда бу борада катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Шунини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда жаҳон бозорига нафақат пахта хомашёсини, балки тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ҳам экспорт қилиш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, замонавий бошқарув технологияларини жалб қилиш асосида саноат салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари каби янги бозор тузилмасини яратиш ва ривожлантириш учун замонавий савдо тамойили жорий этилмоқда.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда тўқимачилик саноати жами саноат маҳсулотларининг 13,8 фоизини ва ялпи ички маҳсулотнинг 2,8 фоизини ташкил қилди[1].

Дарҳақиқат, жаҳонда қайта ишлаш саноати мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлган йирик саноат тармоғи сифатида қаралади. Саноатнинг кучли қайта ишлаш сектори мамлакатнинг технологик қудратини ифодалайди. Унинг пасайиши ёки қисқариши иқтисодий таназзул белгиси сифатида кўрилади. Бу ўз навбатида, қайта ишлаш саноати муҳим тармоқ эканидан далолат беради.

Мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида тўқимачилик саноатини жадал сифат жиҳатидан ривожлантиришга қаратилган комплекс ва мақсадли дастурий чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **“Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш. Саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқунлаш. Тўқимачилик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш”** вазифалари белгилаб кўйилди[2]. Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш тўқимачилик саноатида ресурсларни тежашни кўпайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришни тақозо этади.

## Адабиётларнинг таҳлили

Тўқимачилик саноатининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни ва бугунги ҳолатини таҳлил қилишда бир қатор олимлар ушбу тармоқ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан турли фикрларни ўрганиб чиқдилар.

Тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш ва иқтисодий салоҳиятни ошириш муаммолари – И.И. Искандаров, С.С. Ғуломов, М.Л. Турсунхўжаев, А.С. Бекмуродов, М.Р. Болтабоев, Б.Т. Салимов, Н.М. Маҳмудов, А.М. Қодиров, М.Қ. Пардаев, Р.И. Нурибегов, А.У. Бурхонов, А.А. Тиллахўжаев каби бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.

## Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда тизимли таҳлил, синтез, статистик гуруҳлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Мақоланинг мақсадига эришиш учун асосий маълумотлар йиғилиб таҳлил қилинган.

Ушбу маълумотлар Ўзбекистонда тўқимачилик ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотлар, уларнинг экспорти ва импорти бўйича статистик маълумотлар кабилардир. Шунингдек, саноат ўсиши ва инновацион фаолликни боғлаш учун тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш ҳажми, шу жумладан инновацион маҳсулотлар ҳажми ва тўқимачилик корхоналарининг инновацион фаоллик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик ҳам ўрганилди. Бундан ташқари, хориж мамлакатларига тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт оқими таҳлил қилинди.

## Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун катта имкониятларга эга. Бу соҳада тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш хомашё экспортдан 4–5 баробар кўп фойда келтириши мумкин. Шу билан бир қаторда текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини ошириш имкониятларини оширади. 2016 йил жами 183 минг кишилик иш ўрни яратилган бўлса, амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб қарийиб 2,2 баробар ошди ҳамда 407 минг кишилик иш ўрни барпо этилди[3].

Тўқимачилик саноатининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти кўрсаткичлари қаторига қуйидагилар киради:

- тўқимачилик саноатининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши;
- тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажми;
- ҳудудлар бўйича тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми;
- тармоққа инвестициялар, тўқимачилик маҳсулотлари экспорт таркиби.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2019 йилда ялпи ички маҳсулотда энгил саноатнинг улуши мос равишда 2,9 фоизни, тўқимачилик тармоғи – 2,1 фоизни ва унинг умумий саноат

ишлаб чиқаришидаги улуши – 9,6 фоизни ва энгил саноатнинг улуши – 74,4 фоизни ташкил этади[4].

Энгил саноат ва тўқимачилик саноатининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг камайиши, асосан, бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

– ишлаб чиқарилган пахта толаси ҳажми ва ни тўлиқ ва чуқур қайта ишлашни таъминлаш учун ишлаб чиқариш қувватларининг етарли эмаслиги;


– тўқимачиликнинг нисбатан паст рену табеллиги ва айланма муддати (4 ойдан ортиқ) туфайли замонавий тўқимачилик ва бўяш ва пардозлаш корхоналари сонининг етарли эмаслиги;

– саноат учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, раҳбар ва хизматчилар малакасининг пастлиги, ишчиларни рағбатлантиришнинг йўқлиги, ишчи ва муҳандислар обрўсининг пасайиб кетиши.

Республикада тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга салмоқли ҳисса қўшаётган ҳудудлар: Фарғона вилояти (умумий ҳажмининг 15,3 фоизи), Андижон вилояти (9,9 фоиз), Тошкент шаҳри (умумий ҳажмининг 9,4 фоизи) ва Тошкент вилояти (8,5 фоиз) ҳисобланади. Энг кам улушга эга вилоятлар Сирдарё (2,4 фоиз) ва Навоий вилояти (2,7 фоиз).

1-расм

Ҳудудлар кесимида 2021 йилда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизларда [5]




2021 йил якуни бўйича жами экспорт таркибида тўқимачилик маҳсулотлари 20 фоизни (3,05 млрд. АҚШ доллари) ташкил этди. Шундан 51 фоизи МДХ давлатларига, 49 фоизи бошқа мамлакатларга экспорт қилинган. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти таркибида

энг катта улуш Россия Федерацияси, Хитой ва Туркияга тўғри келади. Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг қарийиб 75–80 фоиздан ортиғи ушбу уч давлат ҳиссасига тўғри келади. (2-расм)

2-расм

Мамлакатлар бўйича тўқимачилик маҳсулотлари экспорти, 2021 йил (фоизда)[6]



Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Хитой ва Туркия (тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда етакчи давлатлар бўлиб, ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг %10 дан ортиғини ташкил қилади) биздан ярим тайёр маҳсулотларни сотиб олади ва уларни тайёр маҳсулотларга айлантирилади. Давлатимиздан кўра кўпроқ имтиёзларга ва фойдага эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 септябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сон қарорига мувофиқ тайёр маҳсулотлар тури ва турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз

да ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 90 фоиздан ортиғини ва калава ипнинг 50–60 фоиздан ортиғини қайта ишлаш қувватларини яратди, шунингдек, 2020 йилда тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмини 1,9 миллиард долларга етказди [7].

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳар йили ошириш бўйича истиқболли режаларни амалга ошириш имконини бермоқда. Хусусан, 2021–2026 йилларда тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантиришнинг мақсадли прогнозига кўра, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2026 йилга бориб 136,8 триллион сўмни ташкил этади. Айни пайтда ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми 2,6 баробар, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ҳажми 4,5 барабар, трикотаж мато ҳажми эса 1,4 баробарга ошди.

Куйидаги 3-расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга


сезирарли даражада ўзгариб бормоқда, 2026 йилга қадар ушбу кўрсаткични 3,1 баробар ошириш мақсад қилиб қўйилган. 2026 йилга бориб, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми эса 4 баробар ошиши кўзда тутилган.

2017 йилда долларнинг эркин конвертацияси туфайли сўм долларга нисбатан қадрсизланди). 2019 йилга келиб тўқимачилик

маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,6 миллиард долларга, экспорт эса мос равишда 2,15 миллиард долларга ўсди. Бу, албатта, яхши кўрсаткич. 2025 йилга мўлжалланган прогнозга кўра, ишлаб чиқаришни 15 миллиард долларга, экспортни эса 7 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган [8].

3-расм

**2020-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажми миллиард доллар [9]**






Тўқимачилик саноатида юқори кўшимча қийматга эга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, бироқ ип, калава, трикотажа ва мато экспорти ҳамон экспортнинг етакчи маҳсулоти ҳисобланади. Республика тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишдан кўра тайёр маҳсулотлар экспортдан кўпроқ фойда кўриши мумкин. Шу боис давлатимиз томонидан тўқимачилик маҳсулотларини хомашё ёки ярим тайёр маҳсулот сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2021 йилда экспортда энг катта улуш пахтадан калава ип – 1664,2) %55 млн доллар), газлама – 139,8) %4,6 млн. доллар), трикотажа (мат) – 8,4% (255 млн. доллар), тикув-трикотажа маҳсулотлари – 31%(940,6 млн. доллар), шу жумладан пайпоқлар – 1 % (51,1 млн. доллар) ташкил қилади. 2026 йил учун прогноз кўрсаткичлари таҳлилига кўра, экспортнинг энг катта улушини тайёр маҳсулотлар ташкил этиши кутилмоқда – %90 (тахминан 5037,1 млн. доллар) (-4расм).

4-расм

Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йиллардаги тўқимачилик маҳсулотлари экспорти номенклатураси, 2026 йил учун прогноз [10]



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотажа саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сон қарорига асосан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ташкил этилди[11]. Ушбу уюшма Ўзбекистон тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари уюшмаси ҳисобланади.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатида хомашёнинг кўплиги, меҳнат сарфининг камлиги, ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация қилиш тезлиги ва бошқа имкониятлар туфайли соҳага қаратилаётган катта эътибор туфайли тайёр маҳсулот ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни бажариш лозим:

а) энгил саноат маҳсулотларини ҳудудий тақсимлашда мувозанатни таъминлаш;

б) саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантириш учун халқаро ярмаркаларнинг даражаси ва сифатини ошириш;

в) энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг имкониятларга эга кластер тизимини жорий этиш.

Экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқариш қуввати туфайли иқтисодийнинг муҳим тармоғи сифатида тўқимачилик саноати узлуксиз ривожланмоқда. Саноат маҳсулотлари аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондиришдан ташқари, бой эстетик хусусиятлари билан ажралиб туриши лозим. Бу эса уларнинг ассортиментини оширишга алоҳида талабларни қўпайтиради. Улар қуйидагиларни талаб қилади:

– тўқимачилик маҳсулотларига янги таалабни шакллантириш, шу билан рақобат муҳитида устунликка эга бозор сегментини танлаш;

– янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун шаароит яратиш, сифатга бўлган талабни ошириш;

– ички бозорни тўқимачилик маҳсулотлари билан бойитиш;

– ушбу маҳсулотлар бўйича жаҳон тан оладиган брендларни яратиш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бозор конъюнктураси корхоналарни ассортимент тизимини ишлаб чиқишга мажбур қилади. Шу билан бирга, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект рақобатдош харидорларни жалб қилиш учун товарлар ассортиментини кенгайтириш, янги маҳсулотларни юқори кўрсаткичли реализациясини амалга оширишни маркетинг стратегиясининг муҳим таркибий қисми сифатида қараши лозим.

Тўқимачилик саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида табиий

пахта, ипак, каноп, зиғир, жун толаларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, кимёвий толаларни ҳам ишлаб чиқариш жараёнида муҳим хом ашё сифатида фойдаланишни кенгайтириш зарур ҳисобланади.

#### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бир сўз билан айтганда, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни яхшилаш, тармоқ ишлаб чиқариш умумий ҳажмида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ва тайёр маҳсулот таннархини минималлаштириш зарур.

Инновациялардан самарали фойдаланиш корхона ресурсларини тежашга хизмат қилади. Шуни таъкидлаш керакки, техник ва технологик ресурсларни тежаш бўйича чора-тадбирлар муҳимлигига қарамай, бозор иқтисодиёти шароитида унинг ташкилий-иқтисодий таркибий қисмларини фаоллаштириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Тежамкорликнинг ташкилий-иқтисодий омилларини амалга ошириш ҳамда суний тола аралаш маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш керак.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, рақобатда энг катта муваффақиятга юқори технологияли кластерларга эга мамлакатлар ва минтақалар эришган. АҚШ, Швейтсария, Дания, Швеция, Финляндия, Германия, Нидерландия, Буюк Британия ва Франция каби рақобатбардошлик рейтингда етакчи бўлган мамлакатларда мақсадли кластер сиёсати олиб борилмоқда. Шунинг учун мамлакатимиз тўқимачилик соҳасида ҳам кластерлаштиришдан фойдаланиш юқори натижаларга эришишга сабаб бўлади. Шундагина рақобатбардош, халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва соҳа бўйича мақсадли стратегик прогнозга эришиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари .

2. 2022– 2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси.

**3. Ўзтўқимачиликсаноат уюшмаси ахбороти:** 2017–2021 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида эришилган натижалар ва 2022–2026 йилларга белгиланган истиқболдаги режалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

5. **Ўзтўқимачиликсаноат уюшмаси ахборотлари; 2017–2021 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида эришилган натижалар ва 2022–2026 йилларга белгиланган истиқболдаги режалар.**

6. **Ўзтўқимачиликсаноат уюшмаси ахборотлари; 2017–2021 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида эришилган натижалар ва 2022–2026 йилларга белгиланган истиқболдаги режалар.**

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ–4453-сон қарори.

8. <http://www.uzts.uz>.

9. <http://www.uzts.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–5285-сон қарори.

## ДАВЛАТ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗ СИЁСАТИ ТАҲЛИЛИ

### ANALYSIS OF STATE DOMESTIC AND EXTERNAL DEBT POLICY

#### АНАЛИЗ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ ВНУТРЕННЕГО И ВНЕШНЕГО ДОЛГА

**Ташбаев Бобир Ўразбой ўғли**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувчи PhD, Ўзбекистон,*

#### **Аннотация**

Мақолада Давлат ички ва ташқи қарзлари, Давлат суверен қарз сиёсати, Давлат қисқа муддатли облигациялари, Давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари, Ўзбекистоннинг Еврооблигацияларни жойлаштириш, Таҳлил натижаси бўйча давлат қарз сиёсати ва уни самарадорлигининг таҳлили тўғрисида илмий таклиф ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Давлат бюджет, Давлат ички қарзлари, Давлат ташқи қарзлари, қарзлар, фискал баланс, ялпи ички маҳсулот, молия, ликвидлиги, ғазна облигациялар ва еврооблигация

#### **Abstract**

The article presents scientific proposals and conclusions on the analysis of public domestic and foreign debt, public sovereign debt policy, government short-term bonds, public medium-term treasury obligations, placement of Eurobonds in Uzbekistan, public debt policy and its effectiveness.

**Key words:** *Public budget, Public domestic debt, Public external debt, debt, fiscal balance, gross domestic product, finance, Liquidity Treasury and Bonds Eurobonds.*

#### **Аннотация**

В статье представлены научные предложения и выводы о государственном внутреннем и внешнем долге, государственной долговой политике, государственных краткосрочных облигациях, государственных среднесрочных казначейских обязательствах, размещении еврооблигаций Узбекистана, государственной долговой политике и анализ ее эффективности.

**Ключевые слова:** *Государственный бюджет, государственный внутренний долг, государственный внешний долг, долги, бюджетный баланс, валовой внутренний продукт, финансы, ликвидность, казначейские облигации и еврооблигации*